

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILMYU-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ АҲОЛИ ДЕМОГРАФИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ АСПЕКТЛАРИ

**Джумагельдиев Н.Р., Мадреймов Ф.М**  
*НМПИ, Тарих ўқитиш методикаси  
кафедраси*

Орол денгизи инқирозининг кескинлашуви бизни анъанавий табиатдан фойдаланиш масалаларини ўрганишга мажбур қилади, бу инқироз оқибатларини сезиларли даражада юмшата олади ва кўплаб устувор муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради [1].

1994 йилда Орол денгизи муаммолари бўйича Нукус конференциясида Марказий Осиёнинг бешта давлати раҳбарлари томонидан ҳамда Жаҳон банки билан биргаликда “Шўрхок ерларни тиклаш” дастури доирасида демографик ва иқтисодий маълумотлар таҳлили ўзаро боғлиқлигини кўрсатди [3]. Олимларнинг фикрича, бунда социологик сўровнома ўтказиш орқали минтақадаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш имконининг пайдо бўлиши таъкидланган.

1991–2000-йилларда республика аҳолиси 47 %га (601 минг киши) ошган. Аҳолининг ярмига яқини (48,7%) республиканинг жанубий қисмида, Амударё дарёси бўйларида истиқомат қилади. Асосан сўнгги йилларда аҳолининг жанубга “кўчиши” кузатилмоқда [6]. Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ва Бўзотов туманларида истиқомат қилувчи 17-60 ёшдаги 1836 нафар аҳолидан, эркакларнинг 50,9 фоизи ва аёлларнинг 49,1 фоизи суҳбатдан ўтказилди [2]. Республикада туғилиш кўрсаткичининг ортиши орқали барча аҳолида кичик ёш гуруҳларнинг кўпайишига, олиб келади деган хулосалар чиқарилган. Иш ўринлари ва меҳнат ресурсларининг кўпайиши оралиғидаги тафовут пайдо бўлиши ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлик даражасининг пасайишига (67%) сабаб бўлди ҳамда бунга қўшимча равишда республикадаги экологик ва иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви ҳам сабаб бўлди [5].

Қорақалпоғистоннинг миллат таркиби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Республика асосан қорақалпоқ ва ўзбек миллатларидан ташкил топган. Ўзбекистонда 500 мингга яқин қорақалпоқ миллати бўлиб, уларнинг асосий қисми (95%) Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилади. Республика аҳолисининг 38,3 фоизини ўзбеклар, 34,1 фоизини қорақалпоқлар, 18,4 фоизини

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILMYU-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

қозоқлар, 5,3 фоизини туркманлар, 1,2 фоизини руслар, 0,7 фоизини татарлар, 0,2 фоизини корейслар, қолган 1,7 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади [2].

Қорақалпоғистон аҳолисининг миграция динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида миграция жараёнлари фаоллашган. Шундай қилиб, 1991 йилда мигрантларнинг умумий сони 63 017 кишини (келганлар -31 446 киши, кетганлар -31 571 киши) ташкил этди [4,6]. Агар биз ушбу маълумотларни 2018 йил билан таққосласак, 1991–2018 йилларда мигрантларнинг умумий сони 2,5 бараварга (келганлар - 2,9 маротабага, кетганлар -2,1 маротабага) камайганини кўриш мумкин [7].

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аликулов А. Методологические вопросы оценки эколого-экономической эффективности орошаемого земледелия в Средней Азии//ВНИИТИ,1990. - №10. – С. 27-42.
2. Умаров Е. и др. Демографические факторы территориальной организации производства в районах Южной Приаралья//Журнал «Актуальные проблемы современной науки».-№4. – М., 2003.
3. Огай О., Изимбетов Е., Карымсаков О. О результатах социологического исследования в увлажненной зоне Республики Каракалпакстан // Вестник ККОАНРУз., 1996. - №2. - С. 108-111.
4. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан гг. – Ташкент. Эльдинур, 2000. -116 с.;
5. Назарова Х., Мамадалиева Х. Демографический потенциал Узбекистана. Монография. – Ташкент: Наука и технология, 2011. - 175 с.
6. Миграция населения Узбекистана 1994-2005. Статистические ежегодники. – Ташкент: Госкомстат, 1995-2005.
7. Демографический ежегодник Узбекистана 2000-2018 гг. Статистический сборник. – Ташкент: Госкомстат, 2019 - 208 с.